

Қуръони Карим дарслари (32-дарс). Сўнгги нозил бўлган оят



20:00 / 06.05.2019 7387

Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти ҳақидаги ривоятлар анчагина бор. Лекин уларнинг ҳеч бирида охирги оят ҳақидаги сўз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб бормади. Шунинг учун уламолар уларнинг барчасини ижтиҳод билан айтилган гаплар, дейишади.

Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти ҳақидаги қавл ва ривоятлардан баъзиларини келтирамиз.

1. Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан, Байҳақий Умар розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти Бақара сурасидаги қуйидаги оят экани айтилади:

﴿مُؤْمِنِينَ كُنْتُمْ إِنْ رَبُّوْا مِنْ بَقِي مَا وَذَرُوا اللَّهَ اتَّقُوا الَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг» (278-оят).

Аммо муҳаққиқ уламолар бу оят Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти эмаслигини, балки рибо ҳақида нозил бўлган оятларнинг охиргиси эканини таъкидлайдилар.

2. Саъид ибн Мусайяб ва Ибн Шихоб раҳматуллоҳи алайҳилардан келтирилган ривоятларда: «Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти «дайн» оятидир», дейилган.

Бу оят Бақара сурасидаги оят бўлиб, у Қуръони каримдаги энг узун оят ҳамдир. Мазкур оят Аллоҳ таолонинг қуйидаги қавли ила бошланади:

فَاكْتُبُوهُ مُسَمًّى أَجَلٍ إِلَىٰ يَدَيِّنَا تَدَايُنًا إِذْ أَتَاكُمْ الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда уни ёзиб қўйинг» (282-оят).

Аммо уламоларнинг кўпчилиги бу қавлни ҳам қабул қилмаганлар.

3. Ибн Мардавайҳ Умму Салама розияллоҳу анҳодан келтирган ри-воятда айтилишича, Қуръони каримнинг энг сўнгги нозил бўлган ояти Оли Имрон сурасидаги қуйидаги оятдир:

«Робблари уларга: «Мен сизлардан эркагу аёл амал қилувчининг амалини зое қилмасман. Баъзингиз баъзингиздансиз. Ҳижрат қилган, диёрларидан чиқарилган, Менинг йўлимда азият чеккан, жанг қилган ва қатл этилганларнинг ёмонликларини ўчиргайман ҳамда уларни албатта остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритгайман, Аллоҳ ҳузуридан савоб ўлароқ», дея ижобат қилди. Ва Аллоҳ ҳузурида гўзал савоб бўлган Зотдир» (195-оят).

Бу қавлнинг раддияси унинг ҳужжати ўлароқ келтирилган ривоятнинг ўзидадир. Унда айтилишича, ушбу оят Умму Салама розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берган «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг эркакларни зикр қилиб, аёлларни зикр қилмаганини кўрмоқдаман?» деган сўроқларига жавоб ўлароқ нозил бўлган уч оятнинг

сўнггисидир. Қуръони каримнинг сўнгги нозил бўлган ояти эмас.

4. Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анҳудан қилган ривоятда айтилишича, охирги нозил бўлган сура Наср сурасидир.

Аммо уламолар: «Бу охирги нозил бўлган сурадир, охирги нозил бўлган оят эмас. Сура Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларига ишора бўлиб тушган оятларнинг охиргиси, умумий Қуръони Карим оятларидан охирги нозил бўлгани эмас», дейдилар.

5. Ноилмий доираларда Қуръони каримнинг барча оятлари ичида энг сўнгги нозил бўлгани Моида сурасининг учинчи ояти бўлса керак, деган гумон бор. Улар оятнинг қуйидаги қисмидан шу хулосани чиқарганлар:

دِينًا أَسْلَمَ لَكُمْ وَرَضِيَتْ نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَأَتَمَّمْتُ دِينَكُمْ لَكُمْ أَكَمَلْتُ الْيَوْمَ

«Бу кун сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».

Бу оят Қуръони каримнинг охирги тушган оятларидан бири ҳисобланади. Ояти карима Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида нозил бўлган. Ушбу ояти карима нозил бўлганда, ҳамма саҳобалар: «Динимиз мукамал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломни дин деб рози бўлди», деб чексиз қувондилар. Аммо ҳассос қалбли инсон, буюк идрок ва ақл соҳиби Умар ибн Хаттоб розияллоху анху йиғлай бошладилар. Бу ҳолни кўрган саҳобалар ташвишга тушдилар ва: «Сенга нима бўлди, эй Умар, нечун йиғламоқдасан?» деб сўрадилар. Шунда ҳазрати Умар: «Ҳар бир нарса мукамал бўлганидан сўнг унга нуқсон етиш бошланади. Мен бу оятни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларининг яқинлашганига белги деб билмоқдаман», дедилар.

Ушбу зикр қилинган омилларга биноан, Улуми Қуръон илмидан беҳабар бўлган кимсалар мазкур оятни Қуръони каримнинг охирги нозил бўлган оятидир, дея тахмин қилишади. Аммо бу гап тўғри эмас. Чунки ушбу оят

нозил бўлганидан кейин яна бошқа оят нозил бўлганини илмли кишилар яхши биладилар.

«Бу кун сизга динингизни мукамал қилиб бердим» ояти нозил бўлганидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саксон бир кун яшаганликлари ҳам ишончли манбаларда қайд этилган.

6. Қуръони каримнинг охириги нозил бўлган ояти Бақара сурасидаги қуйидаги оятдир:

يُظْلَمُونَ لَا وَهُمْ كَسَبَتْ مَأْنَفِيسٍ كُلُّ تَوْفَىٰ ثُمَّ اللَّهُ إِلَىٰ فِيهِ تُرْجَعُونَ يَوْمًا وَأَتَّقُوا



«Ўзингиз Аллоҳга қайтариладиган Кундан қўрқинг. Сўнгра ҳар бир жон касб қилган нарсасини тўлиқ олур. Уларга зулм қилинмас» (281-оят).

Қуръон илмлари билан шуғулланган уламолар ушбу ояти карима Аллоҳ нозил қилган оятлар ичида энг охириги оят эканини баён қилганлар. Ибн Журайжнинг айтишларича, Набий алайҳиссалом ушбу ояти карима нозил бўлганидан сўнг тўққиз кун яшаганлар, холос.

«Қуръон илмлари» китобидан